

QS Worldwide конференцияси бўлиб ўтди

Жорий йилнинг 19-20 сентябр кунлари Қозоғистоннинг Ал-Фаробий номидаги Қозоқ миллий университетида «Глобал машҳурликка саёҳат: инсоний мерос уйғунлиги ва илғор технологиялар» деб номланган ҚС ворлдвиде-2019 конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирга ташриф буюрган, Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бердибек Сапарбаев, Олмаота ҳокими Бақитжан Сагинтаев, БМТ, УНЕСКОнинг халқаро ташкилотлари вакиллари, дунёга таниқли олимлар ҳамда дунёнинг 40дан ошди мамлакатидан келган олий таълим соҳасидаги экспертлар университетларнинг нуфузини ошириш, глобал инсон капиталини шакллантиришда университетларнинг роли масалаларида музокаралар олиб бордилар. Мазкур тадбирда институтимизнинг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Т.Султанов ҳамда Халқаро рейтинг фаолиятини мониторинг қилиш бўлими бошлиғи Ғ.Ғозиевлар ҳам иштирок этдилар.



Тадбирни Бердибек Сапарбаев Бош вазир Аскар Мамин номидан табрик нутқини ўқиш билан бошлади. Табрик нутқида “Бугунги кунда мамлакатда таълим тизими, фан ва университетларнинг рақобатдошлигини ошириш муаммолари ҳал этилаётганлиги, уларга академик мустақиллик берилаётгани ва ушбу чора-тадбирларнинг барчаси университетларнинг илмий, ўқув, технологик ва гуманитар соҳаларни ривожлантиришдаги таъсирини кучайтиришга қаратилгани таъкидлаб ўтилди. Конференция ўз ишини 4 та шўбада олиб борди ва уларга дунёнинг турли жойларидан ташриф буюрган тажрибали экспертлар жалб этилди.

Тадбирнинг иккинчи кунда ОЎзбекистондан ташриф буюрган олий таълим муассасалари вакиллари ҚС компаниясининг вице президенти Бен Сомтер билан учрашишди. Учрашув давомида Элсевиер компаниясининг Марказий Осиё бўйича директори Алия Оспанова ҳам сўзга чиқиб яқин икки йилда Ўзбекистонда амалга оширилган айнан илмий соҳани ривожлантиришга қаратилган чора тадбирлар билан Бен Сомтерни таништирди. Шунингдек ҚС компаниясининг минтақавий директори Зоя Заитсева ҚС рейтинг тизимида Ўзбекистон ОТМларининг ўрни ва амалга оширилган ишлар тўғрисида батафсил гапириб ўтди.



Навбатдан ташқари ўтказилган мазкур тадбирда ҚС компаниясининг консултантлари Др.Шади Ҳижазидан тақдимот қилиб, ҚС нинг турли рейтингларидаги кўрсаткичлари билан тадбирга йиғилганларни таништириб ўтди. Мазкур юқори даражада ташкил этилган тадбир халқаро рейтингларда ўз ўрнини топмоқчи бўлган ОТМ лар учун жуда катта тиргак вазифасини ўтаб берди. Айтиш жоиз бўлса, конференцияга жалб қилинган ҚС WУРда бир неча йиллардан буён ўрин олиб келаётган университетлар билан тажриба алмашиш майдонига айланди.



Институт Матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов